

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ГЛЮКОЗА-SEEM

**Препаратнинг савдо номи:** Глюкоза-SEEM

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** декстроза (глюкоза)

**Дори шакли:** инфузия учун эритма

**Таркиби:**

1 мл эритма куйидагиларни сақлайди:

*фаол модда:* сувсиз глюкоза – 50,0 мг ёки 100,0 мг;

*ёрдамчи модда:* инъекция учун сув 1 мл гача.

**Таърифи:** тиник, рангсиз ёки бир оз сарғиш рангли, ҳидсиз ва ширин таъмли суюқлик.

**Фармокотерапевтик гуруҳи:** углевод озиклантириш воситаси

**АТХ коди:** B05BA03

### **Фармакологик хусусиятлари**

#### ***Фармакодинамикаси***

Регидратация ва зарарсизлантириш учун воситадир. Глюкоза организмдаги оксидланиш-қайтарилиш жараёнларини кучайтиради, жигарнинг антитоксик функциясини яхшилади, организмнинг энергия сарфларининг бир қисмини қоплайди, чунки у осон ҳазм бўладиган углеводлар манбаи ҳисобланади.

Қон-томирга гипертоник эритма юборилганда қоннинг осмотик босими кўтарилади, метаболик жараёнларни рағбатлантирилади, жигарнинг зарарсизлантириш функцияси яхшиланади ва диурез кучаяди.

#### ***Фармакокинетикаси***

5% глюкоза эритмаси изотоникдир. Декстроза тўқималарга кириб, фосфор кислотасининг бирикиши ва организм метаболизмининг кўплаб бўғинларида фаол иштирок этувчи, глюкоза-6-фосфатга айланади. Тўқималарда глюкоза метаболизмида организмнинг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган катта миқдордаги энергия ажралиб чиқади. Эритма қон томир тизимидан тезда чиқариб ташланади ва қон-томирларда айланиб юрадиган суюқлик ҳажмини вақтинча оширади.

Организмда тўлиқ ўзлаштирилади, буйраклар орқали чиқарилмайди (қонда декстрозанинг ортикча концентрацияси бўлганда, препаратнинг бир қисми буйраклар орқали чиқарилади).

10% глюкоза эритмаси гипертоникдир.

### **Қўлланилиши**

- гипогликемия
- углеводли озикланишнинг етишмовчилиги
- токсикоинфекция
- жигар касалликларидаги интоксикация (гепатит, жигар дистрофияси ва атрофияси, жумладан жигар етишмовчилиги)
- геморрагик диатез
- дегидратация (қусиш, диарея, операциядан кейинги давр)
- интоксикация
- коллапс
- шокда қўлланилади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

Изотоник (5%) эритмаси вена ичига томчилатиб, 7 мл/мин (дақиқасига 150 томчи ёки 400 мл/соат) максимал тезликда юборилади. Катталар учун максимал суткалик доза - 2 литр. Тананинг қаттиқ сувсизланиши ҳолатларида кунига 3-5 литр глюкоза эритмасини юбориш мумкин. Глюкозанинг дозаси тананинг индивидуал еhtiёжларига боғлиқ. Оддий метаболизмга эга бўлган катталарда глюкозанинг суткалик дозаси 4-6 г/кг/сут. яъни тахминан 250-450 г/сут. дан ошмаслиги керак. Бунда юборилган суюқлик ҳажми 30- 40 мл/кг/сут. ни ташкил қилади. Метаболизм тезлигининг пасайишида суткалик доза 200-300 г гача камайтиради. Препаратни узоқ вақт давомида қабул қилиш, глюкозанинг қон зардобидаги концентрацияси назорат қилиб турган ҳолда амалга оширилиши керак.

Гипертоник эритма (10%) фақат вена ичига, 20-40-50 мл дан юборилади. Зарур ҳолларда, томчилатиб юбориш усули билан суткасига 300 мл гача юборилади.

Глюкозани тезроқ ва тўлиқ ўзлаштирилиши учун баъзида инсулин билин бир вақтнинг ўзида қўлланилади (4-5 ТБ тери остига).

### **Ножўя таъсирлари**

Ион мувозанатининг бузилиши, гипергликемия, иситма, гипervолемиа, ўткир чап қоринча етишмовчилиги. Юборилган жойда - инфекция, тромбoфлебит ривожланиши.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- қандли диабет
- гипергликемия
- гиперлактацидемия
- гипергидратация
- глюкоза утилизациясини операциядан кейинги бузилиши
- бош мия ва ўпка шишига ҳавф туғдирувчи циркулятор бузилишлар
- мия шиши
- ўпка шиши
- ўткир чап қоринча етишмовчилиги
- гипертосмоляр кома
- ўта юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

*Эҳтиёткорлик билан:* декомпенсацияланган сурункали юрак етишмовчилиги, сурункали буйрак етишмовчилиги (олиго-, анурия), гипонатриемия.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Препарат кислотали муҳитда барқарорлигини йўқотувчи препаратлар учун эритувчи бўла олмайди.

Бошқа дори воситалари билан мажмуада қўлланганида, мутаносиблигини визуал назорат қилиш керак.

### **Махсус кўрсатмалар**

Сув-электролитлар мувозанати назорат қилиниши керак.

5% ли эритманинг осмолярлигини ошириш учун натрий хлоридининг изотоник эритмаси билан мажмуада қўллаш мумкин.

Катта дозаларда юбориладиган глюкоза янада тўлиқ ва тезроқ ўзлаштирилиши учун бир вақтнинг ўзида 4-5 г глюкозага 1 ТБ ҳисобида, 4-5 ТБ дозада қисқа таъсир қилувчи инсулинни тери остига юбориш мумкин.

*Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши*

Кўрсатилган даврда препаратни салбий таъсири юзасидан маълумотлар йўқ.

*Буйрак функциясини бузилишларида қўлланилиши*

Сурункали буйрак етишмовчилигида эҳтиёткорлик билан қўлланади.

*Педиатрия амалиётида қўллаш*

Кўрсатмаларга мувофиқ глюкозадан фойдаланиш мумкин  
*Автотранспортни ҳайдаш ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири*  
Транспорт воситаларини бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига салбий таъсири аниқланмаган.

#### **Дозанинг ошириб юборилиши**

*Белгилари:* гипергликемия, глюкозурия, гипергликемик ва гиперосмоляр кома, гипергидратация, сув-электролитлар мувозанатини бузилиши, CO<sub>2</sub> ишлаб чиқарилишини ошиши билан кечувчи липонеогенезни кучайиши, бу ҳолат минутлик нафас ҳажмини кескин ошишига, ва оқибатда нафас тезлигини ошишига олиб келади, жигарни ёғли дистрофияси кузатилиши мумкин.

*Даволаш:* глюкозани юборишни тўхтатиш, қисқа таъсирли инсулин юбориш, симптоматик даволаш ўтказилади.

#### **Чиқарилиш шакли**

5% ва 10% ли инфузия учун эритма, 100 мл, 200 мл, 250 мл, 400 мл ва 500 мл дан полипропилен флаконларда.

#### **Сақлаш шароити**

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25<sup>0</sup> С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.  
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

#### **Яроқлилиқ муддати**

3 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

#### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецепт бўйича.

#### **Ишлаб чиқарувчи:**

МЧЖ «Samarkand England Eco-Medical» ҚК

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:**

МЧЖ «Samarkand England Eco-Medical» ҚК,

Ўзбекистон Республикаси, 140163, Самарқанд ш., Фарход ш., 9.

Тел/Факс: +998662307700

Э-почта: [info@seem.uz](mailto:info@seem.uz)

Web: [www.seem.uz](http://www.seem.uz)